

**“ЎзРТХАБ” АЖ Бошқарувининг
2016 йил 26 майдаги 99-сонли
қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР-ХОМАШЁ БИРЖАСИДА
ЭЛЕКТРОН АУКЦИОН ВА КЎРГАЗМА-ЯРМАРКА САВДОЛАРИ
ҚАТНАШЧИЛАРИНИ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ
ТАРТИБИ**

Тошкент 2016 й.

Ушбу Тартиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 31 майдаги “Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 251-сонли ҳамда 2013 йил 11 июндаги “Давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 166-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасида (бундан буён матнда биржа деб юритилади) ташкил этиладиган электрон аукцион ва кўргазма-ярмарка савдоларида хўжалик субъектларини (шу жумладан юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорларни) қатнашчи сифатида аккредитациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартибни қўллаш мақсадида қуйидаги термин ва тушунчалардан фойдаланилади:

Ариза берувчи– Биржа томонидан ташкил этиладиган электрон аукцион ва кўргазма-ярмарка тизими савдоларида товарларни (ишлар, хизматларни) етказиб берувчи (сотувчи), буюртмачи (сотиб олувчи) ёки агент сифатида аккредитациядан ўтиш учун ариза берган юридик шахс ёки юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркор;

сотиб олувчи –Биржанинг кўргазма-ярмарка электрон савдо тизимида товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олишни амалга оширувчи юридик шахс ёки юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркор;

сотувчи –Биржанинг кўргазма–ярмарка электрон савдо тизимида товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясини (сотишни) амалга оширувчи юридик шахс ёки юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркор;

буюртмачи — электрон аукцион савдоларда товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилувчи юридик шахс ёки юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркор;

етказиб берувчи –таклиф этилган шартларда ўзининг электрон аукцион савдоларда қатнашиш ниятини билдирган ва савдоларда ғолиб чиққан тақдирда товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб беришни амалга оширувчи хўжалик субъекти, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркор;

маҳсус ахборот портали – буюртмачиларнинг электрон савдолар ўтказиш ҳақидаги эълонларини, давлат ва корпоратив буюртмалар натижалари бўйича

маълумотларни ва харидлар жараёни қатнашчилари учун зарур бошқа ахборотларни жойлаштириш ҳамда уларни кўришни имкониятини таъминловчи биржанинг махсус сайти;

давлат ва корпоратив харидлари масалалари бўйича келишмовчиликлар ва низоларни кўриб чиқувчи Махсус комиссия (бундан буён матнда Махсус комиссия деб юритилади) – биржа томонидан ташкил этилган савдоларни ўтказиш ва уларни расмийлаштириш билан боғлиқ масалаларни судгача кўриб чиқувчи комиссия;

кафолатлайдиган етказиб берувчи - кафолатлайдиган етказиб берувчилар реестрига киритилган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 11 июндаги “Давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-гадбирлар тўғрисида”ги 166-сонли қарори билан тасдиқланган Низомда белгиланган тартибда буюртмани савдоларда жойлаштириш бўйича контракт тузиш кафолатини таъминлайдиган етказиб берувчи;

агент - биржада аккредитация тартиб-қоидасидан ўтган ҳамда буюртмачилар (сотиб олувчилар) ва етказиб берувчилар (сотувчилар)га топшириқ шартномаси асосида уларнинг электрон аукцион савдоларда ва кўргазма-ярмарка савдоларида қатнашишини таъминлашга доир профессионал хизматлар кўрсатадиган юридик шахс. Бунда Биржа аъзолари қўшимча аккредитациядан ўтмасдан, автоматик тарзда агент ҳисобланадилар;

ҲҚКП мижозининг шахсий ҳисоб варақаси –буюртмачилар, етказиб берувчилар, сотувчилар ва сотиб олувчиларнинг пул маблағлари ҳисобини юритиш учун мўлжалланган ҲҚКП ҳисоб регистрлардаги қайдларнинг мажмуаси;

Ҳисоб-китоб клиринг палатаси (бундан буён матнда ҲҚКП деб юритилади) - биржанинг ариза берувчиларни (кафолатлайдиган етказиб берувчилардан ташқари) аккредитациядан ўтказишни амалга оширувчи, контрактлар бўйича мажбуриятларни бажаришга қодир бўлган буюртмачилар ва етказиб берувчилар ёки агентларни, кўргазма-ярмарка савдо тизимида эса сотиб олувчилар, сотувчилар ёки агентларни аванс тўловларини депонентга қўйиш ва ҳисобга олиш йўли билан электрон аукцион савдоларга қўйишни таъминлайдиган таркибий бўлинмаси;

Кичик бизнес субъектлари маҳсулотларни қўллаб қуватлаш Маркази (бундан буён матнда КБСМҚКМ) - давлат ва корпоратив харидларда кафолатлайдиган етказиб берувчиларни аккредитация тартиб-қоидасидан ўтказувчи Биржанинг таркибий тузилмаси;

аккредитация –ушбу Тартибга мувофиқ ариза берувчини электрон аукцион ва кўргазма-ярмарка савдоларига қўйишнинг тартиб-қоидаси;

персонал кабинет - махсус ахборот порталидаги индивидуал саҳифа, унинг воситасида буюртмачилар, етказиб берувчилар, сотувчилар, сотиб олувчилар ва

агентларга савдоларда қатнашиш учун зарур ахборотларни жойлаштириш ва уларни олиш таъминланади.

Арбитраж комиссияси –кўргазма-ярмарка савдоларида битимлар бўйича юзага келадиган низоларни ва “ЎзРТХАБ” АЖ Арбитраж комиссияси тўғрисидаги Низомга мувофиқўзининг ваколатига кирувчи бошқа масалаларни кўриб чиқувчи “ЎзРТХАБ” АЖнинг доимий фаолият кўрсатувчи органи.

II.Электрон харидлар тизимида буюртмачилар (сотиб олувчилар), етказиб берувчилар (сотувчилар)ни аккредитациядан ўтказиш тартиб-қоидаси.

2. Буюртмачилар, етказиб берувчилар, сотувчилар, сотиб олувчилар ва агентларга электрон аукцион савдолар ва/ёки кўргазма-ярмарка савдоларида қатнашиш ҳуқуқи, ушбу Тартибда белгиланган аккредитация тартиб-қоидасидан ўтказилганидан сўнг таъминланади;

ариза берувчиларни (кафолатлайдиган етказиб берувчилардан ташқари) аккредитация тартиб-қоидасидан ўтказиш биржа номидан ҲККП амалга оширади ва:

ариза берувчилар томонидан ўзларини идентификация қилувчи шахсий маълумотларини биржанинг махсус ахборот порталига киритиш натижаси бўйича ариза берувчиларни рўйхатга олишни;

ариза берувчилар томонидан ушбу Тартибда белгиланган ҳужжатларни тақдим қилишни;

ариза берувчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар комплектини ўрганишни;

ариза берувчиларлар томонидан талаб қилинган ҳужжатлар тақдим этилган ҳолларда уларни буюртмачилар, етказиб берувчилар, сотувчилар, сотиб олувчилар ва агентлар сифатидан аккредитациядан ўтказишни ўз ичига олади.

3. Ариза берувчи етказиб берувчи (сотувчи) ёки буюртмачи (сотиб олувчи) ёхуд агент сифатида аккредитациядан ўтиш учун шахсий маълумотларини махсус ахборот порталларига киритиш орқали рўйхатдан ўтказишни амалга оширади.

Ариза берувчи (бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчилар буюртмачилардан ташқари) махсус ахборот порталида рўйхатдан ўтишда, персонал кабинетга кириш учун фойдаланиладиган индивидуал логин ва пароль, шунингдек электрон аукцион ва кўргазма-ярмарка савдоларида ким сифатида (буюртмачи, етказиб берувчи, сотувчи, сотиб олувчи, агент) қатнашиш истагини билдирган тоифа кўрсатилади.

Қатнашчи сифатида бир нечта тоифа танланган тақдирда, ариза берувчи биржа минтақавий филиалининг ҳисоб-китоб клиринг хизмати кўрсатувчи ходимларига ушбу Тартибнинг 6-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этади.

Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчи буюртмачиларга индивидуал пароль ва логин “ЎЗРТХАБ” АЖ томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув маркази билан келишилган “Махсус ахборот порталига кириш учун буюртмачиларга логин ва пароль бериш Қоидалари” асосида берилади.

Ариза берувчилар ўз логин ва паролларига алоқадор маълумотларни сақланиши ва ошкор қилинмаслигини таъминлайдилар.

4. Бюджет маблағларини олувчи буюртмачиларни аккредитациядан ўтказиш, биржа томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва биржанинг электрон маълумотларини ўзаро электрон алоқа йўли билан автоматик режимда марказлаштирилган тартибда амалга оширилади.

Аккредитациядан ўтган Бюджет маблағларини олувчи буюртмачилар савдоларда биринчи марта иштирок этаётган (мустақил ёки агентлар орқали) бўлсалар, биржа минтақавий филиалининг ҳисоб-китоб клиринг хизмати кўрсатувчи ходимларига 2-сонли Иловага мувофиқ юридик шахс ёки унинг юқори турувчи ташкилоти муҳри билан тасдиқланган буюртмачи раҳбари ва бош ҳисобчисининг имзолар намуналари карточкаларини тақдим этадилар. Микрофирмалар учун бухгалтерия ҳисоби ва молия бошқаруви функциясини амалга оширувчи шахснинг имзо намунаси талаб этилмайди.

5. Бюджет маблағларини олувчи ҳисобланмайдиган буюртмачиларни аккредитациядан ўтказиш учун, ариза берувчиларлар биржа минтақавий филиалининг ҳисоб-китоб клиринг хизмати кўрсатувчи ходимларига қуйидагиларни тақдим этадилар:

ташкилот раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланган 1-сонли Иловага мувофиқ шаклдаги анкета-ариза ва буюртмачи-юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган юридик шахс раҳбари ва бош ҳисобчисининг имзо намуналари карточкаси, тасдиқланган шахсий имзо намунаси (жисмоний шахслар учун). Микрофирмалар учун бухгалтерия ҳисоби ва молия бошқаруви функциясини амалга оширувчи шахснинг имзо намунаси талаб этилмайди;

давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг ксеронусхаси (якка тартибдаги тадбиркор учун паспортнинг ксеронусхаси).

6. Аукцион савдоларда етказиб берувчилар сифатида, шунингдек кўргазма-ярмарка савдоларида сотувчи ва сотиб олувчилар сифатида аккредитациядан ўтиш учун ариза берувчи биржа минтақавий филиалининг ҳисоб-китоб клиринг хизмати кўрсатувчи ходимларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ташкilot раҳбари ва бош ҳисобчиси (агар назарда тутилган бўлса) томонидан имзоланган 1-сонли Иловага мувофиқ шаклдаги анкета-ариза ва буюртмачи-юримдик шахснинг муҳри билан тасдиқланган юримдик шахс раҳбари ва бош ҳисобчисининг имзо намуналари карточкаси, тасдиқланган шахсий имзо намунаси (жисмоний шахслар учун). Микрофирмалар учун бухгалтерия ҳисоби ва молия бошқаруви функциясини амалга оширувчи шахснинг имзо намунаси талаб этилмайди;

давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг ксеронусхаси;

тегишли лицензия ёки рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатнинг ксеронусхаси (агар фаолият савдолар предмети ҳисобланадиган товарларни етказиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлса ва қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялашни ёки рухсатнома тусидаги ҳужжат олишни талаб қилса);

Бунда лицензия ёки рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжат ҳар бир савдо предметлари учун тақдим этилади.

7. Чет эл юримдик шахслари, шунингдек юримдик шахс тузмаган ҳолда фаолият юритаётган чет эл якка тартибдаги тадбиркорларини аккредитация қилиш учун, ариза берувчилар биржа ХҚҚП Марказий аппаратида куйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

3-сонли Иловага мувофиқ шаклдаги клиринг қатнашчисининг анкетаси;

савдо ёки банк реестридан кўчирма ёки чет эл юримдик шахс ташкил этилган мамлакатнинг давлат юримдик шахслар реестридан кўчирма (консуллик легализация ёки апостиль мавжуд бўлса);

юримдик шахс таъсис ҳужжатлари, ўзгартириш ва қўшимчалари билан бирга (консуллик легализация ёки апостиль мавжуд бўлса);

чет эл юримдик шахси ташкил этилган мамлакатда чет эл юримдик шахсининг солиқ ҳисобида турганлигини тасдиқловчи ҳужжат (консуллик легализация ёки апостиль мавжуд бўлса), Ўзбекистон Республикаси солиқ ҳисобига қўйилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси солиқ хизмати органида ҳисобда турганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

чет эл юримдик шахси – норезидент номидан юримдик ҳаракатларнинг амалга ошираётган шахснинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат;

юримдик шахс номидан ҳаракат қилиш ваколатини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл (ёки нотариал тасдиқланган) нусхаси (консуллик легализация ёки апостиль мавжуд бўлса);

Юримдик шахс номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг лавозимига сайланганлигини (тайинланганлигини) тасдиқловчи (буйруқ, таъсисчилар қарори, акциядорлар/иштирокчилар умумий йиғилиши ёки бошқа

бошқарув органининг қарори) нотариал тасдиқланган ҳужжат нусхаси (консуллик легализация ёки апостиль мавжуд бўлса);

Юридик шахс номидан керакли ҳужжатларни имзолаш ваколатига эга бўлган шахснинг нотариал тасдиқланган имзо намунаси ва мавжуд бўлса юридик шахснинг муҳр изи (масалан, юридик шахснинг муҳр изи туширилган ва имзолар намунаси карточкаси, ваколатли шахснинг имзоси қўйилган ишончнома) (консуллик легализация ёки апостиль мавжуд бўлса);

Номзод номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларига имзо қўйиш ваколатига эга бўлган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат) нинг асли тақдим этилганидан сўнг, ҳужжат нусхаси қабул қилинади.

8. Агентларни аккредитациядан ўтказиш учун ариза берувчилар биржа минтақавий филиалининг ҳисоб-китоб клиринг хизмати кўрсатувчи ходимларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ташкилот раҳбари ва бош ҳисобчиси (агар назарда тутилган бўлса) томонидан имзоланган 1-сонли Иловага мувофиқ шаклдаги анкета-ариза ва буюртмачи-юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган юридик шахс раҳбари ва бош ҳисобчисининг имзо намуналари карточкаси, тасдиқланган шахсий имзо намунаси (жисмоний шахслар учун). Микрофирмалар учун бухгалтерия ҳисоби ва молия бошқаруви функциясини амалга оширувчи шахснинг имзо намунаси талаб этилмайди;

давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг ксеронусхаси;

9. Ҳужжатлар ушбу Тартиб талабларига мувофиқ бўлса, ариза берувчиларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш ва ушбу Тартибнинг 4-8-бандларида кўрсатилган ариза берувчиларни аккредитациядан ўтказиш, ҲҚКП ходимлари томонидан ариза берувчидан ҳужжат қабул қилинган кундан бошлаб, икки кундан ошмаган муддатда амалга оширилади ва ариза берувчи аккредитациядан ўтади.

Аккредитация уларнинг шахсий ҳисоб рақамларини Биржа ҲҚКПнинг талаб қилиб олингунча иккиламчи ҳисоб рақамларини фаоллаштириш (активизация) йўли билан амалга оширилади.

Ариза берувчилардан ушбу Тартибда кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

Ариза берувчиларни аккредитациядан ўтказиш бепул амалга оширилади ва муддатсиз хусусиятга эга бўлади.

10. Аккредитация натижалари бўйича биржа:

Биржа ҲҚКПнинг талаб қилиб олингунча иккиламчи ҳисоб рақами доирасида ариза берувчиларга фойдаланувчига берилган индивидуал рақамга мувофиқ бўлган алоҳида шахсий ҳисоб рақам очади. Ариза берувчиларнинг пул маблағлари ушбу шахсий ҳисоб рақамларда юритилади.

Улар томонидан амалга оширилган битимлар ва бошқа зарур маълумотларни юбориш учун Персонал кабинет ташкил қилади.

Аккредитациядан ўтган етказиб берувчилар (сотувчилар) ва агентларнинг реестрини шакллантиради ва уларни биржанинг махсус ахборот порталига жойлаштиради. Улар барча фойдаланувчилар учун очик ҳисобланади.

11. Тўлиқ бўлмаган, зарур маълумотлар мавжуд бўлмаган ёки нотўғри расмийлаштрилган ҳужжатлар тақдим этилган ҳолларда, ариза берувчи ХҚКПнинг талаби билан беш кунлик муддат ичида етишмаган ҳужжатларни тақдим этиши ёки тақдим этилган ҳужжатларни бошқасига алмаштириш йўли билан камчиликларни бартараф этиши шарт.

Ариза берувчи кўрсатилган муддатларда барча зурур ҳужжатларни тақдим этмаган ва етишмайдиган ҳужжатларни тақдим этиш ёки улардаги ноаниқликларни тузатиш ҳақидаги ХҚКП талабини бажармаган тақдирда, ХҚКП аккредитациядан ўтказишни рад қилади. Бу ҳақда рад қилиш сабабларини кўрсатган ҳолда икки иш кун ичида ариза берувчиларнинг иштирокчиси анкетасида кўрсатган манзилга электрон шаклда хабар юбориш орқали номзодга маълум қилади. Аккредитациядан ўтказиш рад қилинган тақдирда ариза берувчи ҳужжатларни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Буни ХҚКП ходими ҳужжатларини кириш қилиш дафтарига ва/ёки ҳужжатларни электрон маълумот алмашиш тизимига қайд қилади.

12. Аккредитациядан ўтказиш рад этилган ариза берувчи, рад қилиш учун асос бўлган ҳолатларни бартараф этганидан сўнг, аккредитациядан ўтиш учун зурур бўлган ҳужжатларни илова қилган ҳолда қайтадан ариза бериш ҳуқуқига эга.

Агар Биржанинг махсус ахборот порталида рўйхатга олинганидан сўнг ариза берувчи 3 ой ичида ушбу Тартибга мувофиқ ҳужжатлар жамланмасини аккредитациядан ўтиш учун қайта тақдим этмаса ёки тақдим этилган ҳужжатлардаги камчиликларни уларни алмаштириш йўли билан бартараф қилмаса, ариза берувчининг шахсий маълумотлари биржанинг электрон базасидан ўчириб ташланади.

13. Аккредитация ҳолати ёки унинг амал қилиш муддатига таъсир қилувчи ҳуқуқий-ташкилий шакли, номи, манзили, банк реквизитлари ёки бошқалар ўзгарган тақдирда, буюртмачилар (сотиб олувчилар), етказиб берувчилар (сотувчилар) ва агентлар, ушбу ўзгаришлар содир бўлган пайтдан бошлаб беш кун ичида биржага (кейинчалик биржага бериш учун етказиб берувчи рўйхатдан ўтказилган жой бўйича биржанинг минтақавий бўлинмаларига) ушбу ўзгаришлар ҳақида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда ёзма ахборот беришлари шарт.

14. Ушбу Тартибнинг 4-8, 13 ва 16 бандларида кўрсатилган ҳужжатлар қоғоз шаклида тақдим этилади. Чет тилидаги ҳужжатлар рус ёки давлат тилига таржима қилинган бўлиши, таржиманинг тўғрилиги ва/ёки таржимоннинг имзоси нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Агар қайд этилган нотариал ҳаракатлар чет давлат

натариуси томонидан амалга оширилган бўлса, ҳужжатга апостель қўйилган бўлиши ёхуд консуллик легализация жараёнидан ўтган бўлиши керак. Ҳужжатларга тузатишлар киритилишига ёки ўчириб ёзилишига йўл қўйилмайди.

Тақдим этилган ҳужжатлар биржанинг ариза берувчи аккредитациядан ўтган минтақавий филиалида сақланади. Ҳужжатларнинг сақланиши учун биржа минтақавий филиалининг ҳисоб-китоб клиринг хизмати кўрсатувчи ходими, ушбу Тартибнинг 7 ва 16-бандларида кўрсатилган ҳужжатларининг сақланиши учун эса – ҲҚКП ходимлари ва биржа Марказий аппарати КБСМҚҚМ ходимлари жавоб беради.

III. Давлат ёки корпоратив харидларда кафолатлайдиган етказиб берувчиларни аккредитациядан ўтказиш тартиб-қоидаси

15. Кафолатловчи етказиб берувчилар сифатида аккредитация қилишга:

савдоларга савдолар предметини етказиб беришни аккредитациядан олдинги охириги 12 ой мобайнида амалга оширувчи;

аккредитациядан олдинги 18 ой мобайнида ноҳалол етказиб берувчилар реестрига киритилмаган юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар қўйиладилар.

16. Кафолатловчи етказиб берувчилар сифатида аккредитация қилиш учун ариза берувчи КБСМҚҚМга кафолатловчи етказиб берувчи сифатида аккредитация қилиш тўғрисидаги 4-сонли Иловада белгиланган шаклдаги аризани тақдим этади.

17. КБСМҚҚМнинг ваколатли ходими ариза берувчининг ушбу Тартиб 15-банди талабларига мувофиқлигини текширишни амалга оширади ва улар ушбу талабларга мувофиқ бўлса, контрактлар ижроси бўйича маълумот олиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига ариза берувчи ёлиб бўлган давлат харидлари бўйича лот рақамларин юборади.

(Асос: №"ЎзРТХАБ" АЖнинг 16.01.2015 йилдаги 01-06/186-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг 12.01.15 йилдаги БА/31-01/4-34-10/16-сонли қўшма хати)

Аккредитация КБСМҚҚМ томонидан номзодни кафолатловчи етказиб берувчилар реестрига киритиш йўли билан амалга оширилади.

Кафолатловчи етказиб берувчилар реестри биржанинг махсус ахборот порталига жойлаштирилади.

Аккредитация қилинганидан сўнг кафолатловчи етказиб берувчининг персонал кабинетидан у иштирок этган савдолар бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) реестри шакллантирилади.

Кафолатловчи етказиб берувчи мустақил, ўзининг персонал кабинети орқали доимий равишда ўзи кафолатловчи етказиб берувчи сифатида аккредитация қилиш истаги бўлган ёки ундан воз кечган товарларни (ишларни хизматларни) танлайди (ўчириб ташлайди).

18. Нотўғри расмийлаштирилган ариза тақдим этилган ҳолларда ариза берувчи КБСМҚҚМнинг талаби билан 5 кунлик муддат ичида камчиликларни бартараф қилиши шарт.

Ариза берувчи КБСМҚҚМнинг хужжатда йўл қўйилган ноаниқликларни бартараф қилиш ҳақидаги талабини бажармаган тақдирда, КБСМҚҚМ аккредитация қилишни рад этади, бу ҳақда рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда персонал кабинет орқали номзодни хабардор қилади.

19. Кафолатловчи етказиб берувчи сифатида аккредитация қилиш рад этилган ариза берувчи рад қилиш учун асос бўлган ҳолатларни бартараф этган ҳолда, аккредитация қилиш ҳақида қайта ариза юборишга ҳақли.

IV. Буюртмачи (сотиб олувчи), етказиб берувчи (сотувчи), агент сифатида фаолиятни тугатиш ёки уларни электрон аукцион савдолари ва кўргазма-ярмарка савдоларидан четлаштириш

20. Электрон аукцион савдолари ва кўргазма-ярмарка савдоларида қатнашчи (буюртмачи, сотиб олувчи, етказиб берувчи, сотувчи ва агент) сифатида фаолиятни тугатиш, қатнашчининг аризасига асосан ихтиёрий тартибда амалга оширилади, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар ҳисобланадиган буюртмачилар бундан мустасно.

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларни буюртмачи сифатида фаолиятини тугатиш ёки электрон аукцион савдолардан четлаштириш, биржа томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва биржа маълумотлар базаларининг ўзаро электрон алоқаси йўли билан автоматик режимда марказлаштирилган тартибда амалга оширилади.

21. Қатнашчини (етказиб берувчи ва агентни) электрон аукцион савдолардан мажбурий тартибда четлаштириш учун Махсус комиссиянинг миждоз ёки бошқа манфаатдор шахснинг аризаси бўйича қабул қилинган қарори асос бўлади.

Махсус комиссия масалани “Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасида давлат ва корпоратив харидлари масалалари бўйича келишмовчиликлар ва низоларни кўриб чиқиш тўғрисида”ги Низом асосида кўриб чиқади.

22. Етказиб берувчини кафолатловчи етказиб берувчи сифатида аккредитациясини тугатиш КБСМҚҚМ томонидан:

12 ой давомида савдоларда иштирок этилмаган;

савдоларда кафолатловчи етказиб берувчи сифатида ғолиб деб топилиб, контрактни имзолашдан бош тортилган;

ноҳалол етказиб берувчилар реестрига киритилган ҳолларда амалга оширилади.

V. Яқуний қоидалар

23. Биржанинг вакил қилинган ходими ушбу Тартибда белгиланган муддатларга риоя қилинмаганлиги ёки ариза берувчиларни аккредитациядан ўтказиш асосиз рад қилинганлиги учун жавобгар бўлади.

24. Белгиланган тартиб бузилган тақдирда вакил қилинган ходим меҳнат қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

25. Биржага тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги, шунингдек ушбу ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этилиши учун ариза берувчиларнинг мансабдор шахслари жавоб берадилар.

26. Ушбу Тартиб Биржанинг расмий сайтида эълон қилинган кундан бошлаб, 5 иш кун ўтгач кучга киради.

Расмий бланка ёки бурчак штамп

“ЎЗРТХАБ” АЖ Бошқаруви Раисига

Чик. № _____
" ____ " _____ 20__ й.

АНКЕТА-АРИЗА

_____ ни
(ташкilotнинг тўлиқ номи)
 буюртмаси (сотиб олувчи) етказиб берувчи(сотувчи) агент сифатида

давлат ва корпоратив харидларда ЯС тизимида

қатнашиш учун аккредитациядан ўтказишингизни ва бир йўла бизнинг ташкilot учун Биржанинг Ҳисоб-китоб клиринг палатаси талаб қилиб олингунча иккиламчи депозит ҳисоб рақами доирасида алоҳида ҳисоб рақам очишингизни сўрайман.

Тартиб шартлари билан танишиб чиқиб, мазкур аризани қайд этилган шартларга тўлиқ ва сўзсиз қўшилиш сифатида қабул қилишингизни сўрайман ва уларни тўлиқ бажариш мажбуриятини оламиз..

БИЗНИНГ РЕКВИЗИТЛАР

1. Манзил:
юридик _____
почта _____
эл.почта _____
хизмат тел. (+ _____) _____
мобиль тел: (+ _____) _____

2. Код ОКПО _____ Код ОКОНХ _____ СТИР _____
Банк: _____
х/р _____ МФО _____

ҲҚКП ҳисоб рақамида аккумуляция қилинган маблағлар юзасидан СТИР ёки ID _____ сонли ҳисоб буйича операцияларни амалга ошириш учун имзо ва муҳр намуналарини маълум қиламиз.

Лавозим	Ф.И.О.	Имзо намунаси
_____ (биринчи имзо)		
_____ (иккинчи имзо)		

Муҳр изи намунаси

Ваколат ва имзони тасдиқловчи ташкilotнинг муҳри
учун жой
Раҳбар _____



Бош ҳисобчи _____

“ ___ ” _____ 20__ й.

1. “X” белгиси билан бел _____ ш

2. Тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққанийлиги учун аризачи жавоб беради

ҲККП қайди: №СТИР(ID) _____

Имзолар намунаси ва муҳр изи туширилган

КАРТОЧКА

Ташкилот номи: _____

Манзили: _____

Тел. _____

Номи: “Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси” АЖ Ҳисоб-китоб клиринг палатаси.

Жойлашган жойи: Тошкент ш, 100090, Бобур кўчаси, 77.

ҲҚҚП ҳисоб рақамида аккумуляция қилинган маблағлар юзасидан СТИР _____ буйича операцияларни амалга ошириш учун имзо ва муҳр намуналарини маълум қиламиз.

ҲҚҚП қайди

(ИРФ (ИНП) эгасининг номи)

(№ ИРФ (ИНП))

Лавозими	Фамилияси, исми, отасининг исми	Имзолар намунаси
Биринчи		
имзо		
Иккинчи		
имзо		

Муҳр изи намунаси

Ваколат ва имзони тасдиқловчи ташкилотнинг муҳри
учун жой

Раҳбар _____

Бош ҳисобчи _____

“ ___ ” _____ 200 __ й.

КЛИРИНГ ҚАТНАШЧИСИНИНГ АНКЕТАСИ (юридик шахс)	Клиринг қатнашчисининг СТИР(ID) _____
Ташкилот _____ <i>(ҳуқуқи-ташкилиш шакли кўрсатилган ҳолда тўлиқ номи)</i>	
СТИР/ёки норезидент учун ўрнини босувчи рақам _____ / Юрисдикция _____ <i>Резидент учун тўлдирилмайди</i> Резидент Норезидент	
Давлат рўйхатидан ўтказиш аҳқида гувоҳнома / норезидентлар учун рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг норми ва рақами: _____	
Серия, рақам _____ Ҳужжат берилган сана _____	
Рўйхатдан ўтказувчи орган _____	
Жойлашган жойи _____ <i>(индекс) (жойлашган жойи тўлиқ)</i>	
Почта манзили _____ <i>(индекс) (почта манзили тўлиқ)</i>	
Телефонлар/факс _____ <i>(хатқаро код и телефон рақами)</i>	
Электронной почта манзили _____	
Раҳбар: _____ <i>(лавозими, исми, отасининг исми)</i>	
Ташкилотнинг клиринг хизмати масалалари бўйича шуғулланувчи шахс _____ <i>(лавозими, телефони, манзили, электрон манзили)</i>	
Кичик бизнес ҳа <input type="checkbox"/> йўқ <input type="checkbox"/>	
Клиринг қатнашчисининг имзоси: _____	
<i>Имзалавозим номи, ташкилот ваколатли шахсининг</i>	
М.Ў.	
«__» _____ 20__ й. <i>(анкета тўлдирилган сана)</i>	

Расмий балака ёки бурчак штамп

Чик.№ _____
"___" _____ 20__й.

“ЎзРТХАБ” АЖ Бошқаруви Раисига

АРИЗА

(ташкilotнинг тўлиқ номи)

давлат корпоратив харидларда қатнашиш учун кафолатлайдиган етказиб берувчилар Реестрига киритишингизни, бир йўла бизнинг ташкilot иштирок этган савдоларда товарлар (ишлар, хизматлар) реестирини шакллантиришингизни сўрайман.

Ушбу ариза билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 11 июндаги 166-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида электрон харидларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомда белгиланган савдоларда буюртмаларни жойлаштириш бўйича контрактлар тузилишининг кафолатини таъминлаймиз.

БИЗНИНГ РЕКВИЗИТЛАР

1. Манзил: юридик _____

почта _____

эл.почта _____

хизмат тел.: (+_____) _____

мобиль тел.: (+_____) _____

2. Код ОКПО _____ Код ОКОНХ _____ СТИР _____

Банк: _____

х/р _____ МФО _____

1. “X” белгиси билан белгилаш
2. Тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққанийлиги учун аризачи жавоб беради